



# ТОШКЕНТ О'QUCHO'LI



**XVI сароси**  
Барча мавбалардан  
олинган сўнги хабарлар

ШАХАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЕСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 51 (9.701) 2002 йил 3 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси

**НУКУСДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
СЕССИЯСИ БЎЛДИ.  
СЕССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ.**

— Бугун сессия кун тартибда қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, — деди давлатимиз раҳбари, — аввало, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизда турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб оلسак.

Президент қорақалпоқ халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтидорли ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини қайд этди. (Президент Ислом Каримов нутқининг тўла матни Республика газеталарида эълон қилинди).

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Темир Камолов ўз аризасига биноан Жўқорғи Кенгес раиси вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов ушбу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муса Ерниязов номзодини таклиф этди.

Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан М. Ерниязовни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси этиб сайлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Т. Ешанов, Хўжайли тумани ҳокими Т. Усниддинов, Беруний тумани Абай номидаги ижара хўжалиги раиси Д. Работова, «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т. Темирбаев ва бошқалар Президентимиз нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш барчанинг бурчи эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Нукус ва Хўжайли шаҳарлари йўлида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечирди, замонавий услубда барпо этилган ушбу иншоотнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Собир Раҳимов номи кинотеатрга ташир буюрган фахрий ўқитувчилар иштирокида туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ташаббуси билан бўлиб

ўтган тадбир Қарияларни қадрлаш йилига бағишланди.

● **ШУНИНГДЕК**, Шайхонхоўр туманидаги 17-қасб-хунар коллежида, **АЛИШЕР** Навоий номидаги Давлат кутубхонасида ҳам фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбирларда кексаларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари инъом этилди.



Пойтахтимизда бунёд этилаётган кичик Ҳалқа йўлида бир нечта замонавий кўприклар ҳам қад ростламоқда. Уларни бунёд этишда «7-кўприкқурилиш» трести кўприксоzлари фаол иштирок этишмоқда.

**СУРАТДА:** тикловчи Рустам Қаноатовни кўриб турибсиз. Сергей Любич олган сурат.

### «УМИД НИХОЛЛАРИ — 2002»

## Зафарли ёшларимиз кутиб олинди



**Илгари хабар берганимиздек, Фарғонада ўтказилган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари яқунланди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, унда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли иштирок этишти. Маълумки, биринчи ўринни олган Тошкент шаҳар жамоаси Юртбошимиз табригининг асл нуқхаси, «Дамас» автомобили ҳамда I даражали диплом билан тақдирланган эди.**

Ўн битта спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларда тошкентлик ўсмирлар ва қизлар баскетбол, волейбол, катта теннис, шахмат, енгил атлетика, қўл тўпи, сузиш бўйича мусобақаларда янги саккизта тур бўйича умумжамоа ҳисобида голиб, тўртта беллашувда иккинчи ўринларни эгаллаб бош мукофотларни қўлга киритдилар. Мусобақаларда галаба учун кураш олиб борган пойтахтимиз мактаблари ўқувчилари 90 та оltин, 66 та кумуш ва 13 та бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

**КЕЧА**

шаҳримиз жамоатчилиги билан гавжум Шимолий вокзалда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қайтиб келган тошкентлик ўқувчилар, мураббийлар, ҳакамлардан иборат пойтахт делегацияси аъзоларини кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Миллий оdatимизга кўра зафар кўчган ёшларимизга карнай-сурнай садолари, гуллар, чиройли хиром айланган рақосаларимиз пешвоз чиқиди. Мусобақа қатнашчиларини Тошкент шаҳар хоки-

мининг ўринбосари Рустам Қурбонов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг раиси Фуркат Маҳмуджўяев, ўқувчилар, ота-оналар эришган муваффақиятлари билан қизгин кутилди. Ўз навбатида шаҳар Халқ таълими бoш бошқармасининг бошлиғи Ислом Зокиров барча яратилган шарт-шароитлар, спорт анжомлари учун пойтахт ҳокимлиги, «Қамолот» ҳаракатининг шаҳар Кенгаши ва спорт қўмитасига миннатдорчилик билдирди.

Шунинг айтиш керакики, шу йилнинг сентябрь ойидан келаси йили Хоразмда ўтказиладиган «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинлари тайёргарлик ишлари бошланади. Яна синфлараро ва мактаблараро мусобақалар ўтказилади, ўқувчиларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада яхшироқ шароитлар яратиш, спорт анжомлари билан таъминлаш, айниқса ўзбек кураши ва белбоғли курашини ривожлантириш учун тўрақлар очиш, шаҳар спорт федерациялари билан алоқаларни кучайтиришга муҳим эътибор қаратилди.

(Ўз мухбиримиз)

## КОНСТИТУЦИЯНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги ва мамлакатимизда эълон қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Конституция ва инсоний эъозлаш» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Конституциявий суднинг аъзолари, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижроия органлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ва мамлакатимиз илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган бир гуруҳ зияли олимлар иштирок этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов ва Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний-жамғармаси раиси Э. Бокчиёев, давра суҳбатининг бошқа иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида тўхтадилар.

### Мамлакатимизда

● **КЕЧА** Олий Мажлисда Европа Иттифоқи комиссияси ТАСИС дастури доирасида «Сийёсий партиялар янги парламент фаолиятида қандай ўрин тутади?» деган мавзуда конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро экспертлар, Олий Мажлис депутатлари, сийёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар вакиллари сийёсий партиялар фракцияларининг шаклланиши, амалдаги таъриба, йўналишлар, ҳаётини амалиёти каби масалалар юзасидан атрафлича баҳс-мунозара юритдилар.

● **КЕЧА** Тошкентда ТРАСЕКА Ҳукуматлараро комиссиясининг 24-26 апрель кунлари ўтказилган иккинчи конференцияси яқунлиги бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Гулистонда 2002 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлиги, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2001 йил яқунлари бўйича мамлакат Президенти томонидан қўйилган биринчи навбатдаги вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилган йилгилиги бўлиб ўтди.

● Самарқанд аэропортида АҚШнинг «Heart to Heart International» («Халқаро беғараз ёрдам») ташкилоти томонидан ажратилган инсонларварлик ёрдами ни топириш маросими бўлди.

● Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурдаги халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг йилгилиги ўтказилди.

● Жиззахда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан биргаликда «Маҳаллалар ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш» мавзусида семинар ўтказди.

● Мамлакатимиз кикбокслари Грецияда 7-14 май кунлари бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатиға пухта ҳозирланишмоқда.

● **КЕЧА** Навоий шаҳрида автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақасининг биринчи босқичи яқунланди.

### Жаҳонда

● Покистон президенти Парвез Мушарраф ўз ваколатини яна беш йилга узайтириш масаласида ўтказилган референдумда голиб чиқди. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси раҳбари Иршод Хассан Хоннинг айтишича, Покистон раҳбари П. Мушарраф бўлиб ўтган ушбу сийёсий тадбирда 97 фоиз овоз олишға муваффақ бўлган.

● Энг сўнги хабарларға қараганда, Исроил харбийлари Фаластиннинг Рамаллох шаҳрини бутунлай тарк этишди. Маълумки шу вақтгача Фаластин етакчиси Есир Арафот Рамаллохдаги қароргоҳида уй қамоғида сақланаётган эди. Жаҳон матбуотида хабар қилинишича, **КЕЧА** фаластинликлар раҳбари озодликка чиқарилди.

● АҚШ харбийлари «Ал-Қоида» гуруҳи аъзолари ҳамда террорчилар раҳнамоси Усома бин Лодинни қидиришни давом эттирмоқда. Бундан бир муддат олдин Оқ уй мулозимлари АҚШ харбийларининг Покистон ҳудудида ҳаракат қилиши борасида расмий Исломобод билан келишувға эришган эди.

● Хабарларға қараганда, **КЕЧА** АҚШ харбийлари яна ўттиз нафар террорчини Гуантанамо қамоқхонасига жўнатган.

● Мексика Президенти Висенте Фокс Бельгия, Франция ва Испанияға расмий ташир буюришға қарор қилди. Мамлакат сенати ушбу қарорни маълумлади.

● Туркия Европа Иттифоқи таркибига кириши учун амалга оширилмиш зарур бўлган ислохотлар жараёнини тезлаштириш мақсадида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Туркияға ташир буюрди.

● Япония ҳукумати Афғонистонға 2,7 миллион АҚШ доллари микдорида моддий ёрдам ажратишға қарор қилди.

● Оғир атлетика бўйича миллий терма жамоамиз Таиланднинг Хонкайи шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида муваффақиятли иштирок этди.

### ФУТБОЛ

## Ярим финалчилар аниқланди

**ЎТГАН КУНИ**

Ўзбекистон кубоғи чорак финалининг тақрорий учрашувлари ўтказилиб, унда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Кўкон-1912» 5:1, «Қизилқум» — «Андижон» 5:0, «Зарафшон» — «Нефтчи» 1:0.

Кубок баҳсларининг ярим финалида 22 май кун «Қизилқум» — «Нефтчи», 23 май кун «Насаф» — «Пахтакор» куч синашадиган бўлди. Тақрорий ўйинлар 5 июнда бўлиб ўтади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси

# КАМОЛОТ

**Жамиятни демократлаштириш, турмушимизда тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда нодавлат, нотижорат жамоат ташкилотларининг ўрни бекиёсдир. Худди шунингдек, ёшларнинг очик, эркин жамиятга кириб боришларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолияти катта куч ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент Давлат юридик институтининг бошланғич ташкилоти бугунги кунда 1757 нафар аъзони ўзида бирлаштиради. Аъзоларнинг барчаси шу институт талабалари бўлганлари туфайли уларнинг асосий вазифаси таълим олиш, илм-фан чуққиларини эгаллашдир.

Ташкилотимиз ўсмир ёшларнинг жамоат ишларида фаол қатнашиши, айниқса ҳуқуқий соҳада етуқликка эга бўлиши учун турли мавзулардаги семинар, илмий конференция, фестивал ва қарнаваллар ўтказиб келади. Масалан, миллий гоё ва миллий мафкура мавзуда диний экстремизм ва гивандлик, суд ислохотларига бағишланган анжуманларимиз бевоисита ҳуқуқий йўналиш билан қўшиб олиб борилгани сабабли кўпчиликлари ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлди.

Институтимизнинг «Камолот» бошланғич ташкилоти қошида ёш ҳуқуқшунос клуби фаолият кўрсатиб келади. Клуб аъзолари Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари бўйича кўмита-

Шунингдек, бошланғич ташкилотимиз қошида ТДЮИ 3-курс талабаси, Навоий стипендианти Муҳтабар Хусанова раҳбарлигидаги ёш ҳуқуқшунос қизлар клуби ҳам ишлаб кел-

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

## Қўлни қўлга бериб

си билан изчил ҳамкорликда иш олиб боради. Ушбу клуб сайёҳаракати билан ҳозирда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 33 та ўрта мактабда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган ҳуқуқшунослар тўғрақлари ишлаб турибди. Тўғрақ аъзолари асосан Конституцияни ўрганиш, болалар ҳуқуқ ва мажбуриятларидан дастлабки таълим олиш, жиноий жавобгарлик, мулкий жавобгарлик сингари ҳуқуқий муносабатларни ўрганишмоқда.

моқда. Дастлаб ўз атрофида 50-55 нафар талаба қизларни бирлаштирган ушбу клубга ҳозирда институтимизнинг барча қизлари хайрихоҳлик билан қарашди. Сабаби бу клубда тендер масалалари, ҳуқуқшунос аёлларнинг оила ва мансабга эга бўлиш муаммолари, аёллар ҳуқуқ ва бурчлари алоҳида ва чуқур ўрганилади. Ушбу клуб ўтказаятган тадбирларга ҳаётий тажрибага эга бўлган ФХДЭ ходимлари, нотариус вакиллари тақлиф этилади.

«Камолот»нинг бошланғич ташкилоти институтнинг илмий кенгаши ёрдами билан талабалардан ташкил топган ҳуқуқшунос маслаҳатчиларнинг беғараз «клиника»сини ташкил этган. Ушбу ҳуқуқий клиника аҳолига бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келаётир.

Ташкилотимиз шунингдек, Очик жамият институти Сорос фонди эълон қилган грантни ютиб чиқиб, ҳозирда Интернет жаҳон тармоғига уланган 13 та компьютерга эга бўлди. Шунинг эвазига талабаларимиз Интернет хизматларидан ҳам бепул фойдаланишмоқда.

Қилинаётган ишларнинг пухта амалга оширилишида институтимиз профессор-ўқитувчиларининг ва қолаверса «Камолот» бошланғич ташкилотимиз кенгаши фаолларининг хизматлари каттадир. Ахир, бошланғич ташкилотлар жойларда фаол ишласагина кутилган натижаларга эришилади.

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**  
ТДЮИ 1-ҳуқуқ  
факультети талабаси.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

## Ишқибозлар клуби фаолият бошлади

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ёшларни спортга ошно қилиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, ибратли ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шуни таъкидлаш кераки ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга, жумладан футболга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш ва тўғри шакллантириш мақсадида бу йилги мавсум бошида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва «Пахтакор» футбол клуби томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кўмағида «Пахтакор» жамоаси муҳлислари клуби ташкил этилди.

Клуб аъзолари «Пахтакор» стадионида ўтказилади-ган хар хил тадбирлар, жамоа ўйинларида иштирок этиб, семимли командаларини қўллаб-қувватламоқдалар, ёшларни қизиқишлари асосида бирлаштирмоқдалар, шунингдек, футбол ишқибозлари сонини кўпайтириш, муҳлислик маданиятини ошириш борасидаги сайёҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Ўз навбатида семимли жамоаси ҳам аёло даражадаги ўйинлар кўрсатиб ўзининг кўп сонли ишқибозлари кўнглини шод этмоқда.

Ўтган ҳафтада Жиззахда «Сўғдиёна» жамоаси билан ўтказилган ўйинга илк бор «Пахтакор» муҳлислари клуби аъзолари ташриф буюришиб, сафарда ўз семимли командаларини қўллаб-қувватлашди.

— Бизнинг сафардаги ўйинга боришимиз учун «Пахтакор» футбол клуби иккита автобус ажратиб, ўз байроқларини бергани ҳолда катта ёрдам кўрсатди, — дейди муҳлислар клубининг фаолларидан бири «Камолот» ЕИХ Акмал Икромов туман бўлими Кенгаши раиси Санжар Содиков. — Жиззахда ҳам футболнинг ҳақиқий ишқибозлари кўп экан. У ерда бизни яхши қутиб олишиб, махсус жой ажратибди. Бизнинг ногоралар, барабанлар билан, байроқларни кўтарган ҳолда ўз жамоамизни қўллаб-қувватлашимизни улар тўғри тушунишди. Уйлаيمانки, бизнинг муҳлислар клубимиз Жиззахликларда ҳам ҳавас уйғотди. Келгусида ҳам сафардаги ўйинларга чиқиб туриш режаларимиз бор.

Ҳа, «Пахтакор» муҳлислари клубининг сафлари ўйиндан ўйинга ортиб бормоқда. «Қарс икки қўлдан чиқди», деганларидек, бу жамоани майдонда янада маъсулятироқ тўп суришга, чиройлироқ ўйнашга ундамоқда. Муҳлисларнинг эзгу ниятлари ҳам семимли жамоамизни қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг чемпиони бўлишига эришиш. Ушбу ниятнинг амалга ошишига биз ҳам ишонамиз.

(Ўз муҳбиримиз)



Акмал Икромов туманидаги миллий хунармандчилик коллежи талабаси Азиз Бобоҷонов ўз меҳнат махсули бўлиши ушбу миллий курси ва бошқа буюмларни маромига етказиб ясашни ўзлаштирган.

## Сиз қонунни биласизми?

ТАНЛОВЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ўқувчиларни Конституция, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳурматлаш ҳамда уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашиш, ёшларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишларида кўмаклашиш ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, шунингдек шу соҳадаги иштирокчи кадрларни тайёрлашдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини ташкил этди.

Пойтахт умумтаълим мактабларининг 9, 10, 11-синф ўқувчилари ўртасидаги танловнинг муваффақиятли ўтишига унинг асосий ташкилотлари — «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар Халқ таълими, Ички ишлар ва Адлия бош бошқармалари, пойтахт Фуқаролар ишлари бўйича суди катта ҳисса қўшдилар.

Туман кўрикларида қолиб чиққан жамоалар Чилонзор туманидаги педагогика билим юртида хал қилувчи шаҳар босқичида бешта қизқарли шарт юзасидан ўз билим-маҳоратларини намойиш этдилар.

Шуни айтиш кераки, ўқувчилар танлов давомида ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан салмоқли билимларга эга эканликларини кўрсатиб, юқори балларни қўлга киритдилар. Ҳакам-

лар ҳайъати умумий натижаларни ҳисоблаганида 31,2 балл тўплаган Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг «Қалқон» ҳамда 31,0 балл жағмагаран Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг «Ўзбекистон ёшлари» жамоалари биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Яққасарой туманидаги 118-мактабнинг «Адолат» ёш ҳуқуқшунослар жамоаси иккинчи, Бектемир туманида жойлашган 291-мактабнинг шу номадаги командаси учинчи бўлди.

Уйлаимизки, ташкилотчилар ўз олдларига қўйган ёшларнинг мактаб пайтиданок ҳуқуқий онгини ривожлантириш ва бу борадаги билимларини ошириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдек хайрли мақсадларга эришилди.

(Ўз муҳбиримиз)

АНЖУМАНЛАР

## Ёшларимиз истиқболига бағишланди

Юқсак маърифатли, улан салохиятли, ҳар томонлама билимли, эртанги кунга муносиб авлодни тарбиялаш бугунги кун талабидир. Ота-оналар, болалар боғчалари, мактаб, маҳалла, ўқув юртлири, таълим ва тарбияга дахлдор бўлган барча ижтимоий муассасалар бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ёшлар муаммолари институти ҳамкорлигида «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол» мавзуда 2-республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган ушбу анжуманда республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳримизнинг ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислари, олимлар, тадқиқотчилар, ижодкорлар, ўқитувчилар, талабалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Миллатимиз тақдирини, ватанимизнинг истиқболини бизнинг ёш авлодга бўлган муносабатимиз, эътиборимиз белгилаб беради, — деди анжуманда сўз олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев. — Биз ҳам ана шундан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятимиз доирасида юртимизда илмий излашлар олиб бораётган олимлар, иқтидорли тадқиқотчиларимиз тавсия этган илмий-амалий хулосаларга, аждодларимизнинг тарихан бой анъаналарига, шунингдек ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаларига таяниб иш юриштиш орқали ёшларнинг ҳақиқий таянчига айланиши мақсад қилиб қўйганимиз.


Анжуман учта шўъбага бўлиниб ўтказилди ва унда 90 дан ортиқ маърузалар тингиланди ва муҳокама қилинди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёшлар ҳаракатининг истиқболли йўналишлари; келгуси авлоднинг ижтимоий муаммолари, таълим-тарбия, бандлик, тадбиркорлик, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ривожлантириш масалалари; маънавий баркамоллиги, уларда оила анъаналари ва миллий қадриятларни шакллантириш муаммолари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ёшларнинг бугунги кундаги умумий муаммолари, унинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини ижобий ҳал этиш йўллари ҳақида ҳам қизгин савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Анжуман сўнггида тингланган маърузалар, тақлиф ва тавсиялар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди. Иштирокчиларнинг ушбу анжумани анъанавий тарзда давом эттириш ҳақидаги тақлифлари ҳисобга олинди. «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол» мавзудаги учинчи анжуман 2003 йилнинг май ойида ўтказилишига келиши олинди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА

# Сўранг, жавоб берамиз



**Кутубхонада бўлим мудири бўлиб ишлаганман. Уқитувчиларга бериладиган имтиёздан фойдалана оламанми? Имтиёзли пенсия олишим мумкинми?**

**С.Николева**

Кутубхонада бўлим мудири бўлиб ишлаган вақтингиз педагогик иш стажига ўтмайди. Умумий тартибда пенсия олиш ҳуқуқига эга сиз.

\*\*\*

**Мен III гуруҳ ногирониман. II жаҳон уруши қатнашчиси имтиёзга ээман. Шу вақтдача автомобилни пулк тўхташ жойига 50 фоиз ҳақ тўлаб, имтиёзли тўловдан фойдаланиб келар эдим. Яқиндан бошлаб эса сизлар учун имтиёзлар ўз кучини йўқотди, деб айтишди. Шу тўғрисида?**

**У.Зиддов**

Бу саволга тўлиқ жавобни сиз ўзингиз истиқомат қиладиган туман ижтимоий-таъминот бўлимига мурожаат қилиб олишингиз мумкин. Қарияларни қадрлаш давлат дастурида сиз каби меҳнат фахрийлари ва ногиронлар учун қатор имтиёзлар белгиланган. Шу ҳақдаги тўлиқ маълумотни ва саволнингизга жавобни ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари тушунтириб берадилар.

\*\*\*

**Менинг қизим контракт бўйича ўқишга қабул қилинган. Яққасарой туманидаги Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети биносида жойлашган кассага пул тўлаб келаман. Пул тўлаганимда ҳар сафар кўрса-тилаётган хизмат учун ҳар хил фойзлар ҳақ олиб қолишмоқда. Илтимос, банк мижоздан кўрса-тилаётган хизмат учун неча фоиз миқдорда хизмат ҳақи олиб қолиши кераклиги ҳақида маълумот берсангиз.**

**М.Имомова**

Тўланаётган тўловлар суммасидан банк мижози (клиент) дан 1 фоиз миқдорда ҳақ ундириб олинади.

\*\*\*

**Менинг учта қизим бор. Ҳаммаси оилали. Катта қизимнинг ўғлини, яъни набирани ўғил қилиб олиб, уй-жойимизни унинг номига ўтказмоқчи эдик. Бунинг учун нима қилишимиз керак?**

**У.Нишонов**

Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинингизга кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш шундай ниятда бўлган шахсларнинг ари-засига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

\*\*\*

**Машина бозорларидан ва бошқа жойлардан сотиб олинган автомобилларни рўйхатга олиш қондаларини тушунириб берсангиз.**

**А.Асқаров**

Давлат нотариал идоралари томонидан берилган олди-сотди шартномаси ёки кўчмас мулк биржаси томонидан, шунингдек транспорт воситаларини сотишга ҳуқуқи бўлган давлат корхоналари томонидан берилган ҳужжатларга асосан ариза тўдирилади. Ахборот марказида ҳисобга қўйилади, паспорти, транспорт воситасини кўриқдан ўтказиш, давлат рақам белгиси ва техник паспорт учун белгиланган тўлов чиптаси олинади. Шунингдек, белгиланган нархдан енгил автомобиллар учун 6 фоиз, юк автомобиллари учун 20 фоиз автоўйул учун тўлов чиптаси олинади. Юк автомобиллари, автобуслар ва кичик ҳажмдаги автобуслари давлат автомобилъ назоратига ҳисобга қўйишдан олдин транспорт воситасининг эгаси ўз автотомбини яшад турган жойидаги мулоффа бўлимига ва солик бўлимига ҳисобга қўйди.

**Жавоблар Юнусовдан тўман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғирқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларнингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## «Қайдасан, ҳалоскор йигит?»

— Сизни йўқлаб келишибди, — деди хонага кириб келган ходимларимиздан бири ўзи билан олдинма-кейин кириб келган ўрта ёшлардаги қорачадан келган кишини таништириб.

— Келинг, ўтиринг, бажонидил эшитаман.

— Зийрак бобо сизмисиз? — деб сўради у менга термулиб.

— Шундай десак ҳам бўлаверади, — дея жавоб бердим жилмайиб.

— Дунда ёқилар кўп-да, бобо, — гап бошлади боғчи киши стулга омонатгина ўтиргач. — Шундайлардан бирининг бизнинг оиламизга қўлган бе-миннат хизмати ҳақида сизга сўзлаб бериш ниятида келган эдим.

— Олдин ўзингизни таништиринг. Кейин ҳар қанча гап бўлса қочмас.

— Отим Обид, фамилиям Кўшоқов. Чилонзордаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайман. Тадбиркорлик билан шугулланаман.

— Танишганимдан хурсандман. Қани энди эшитайликчи, сизни бунчалик ҳаяжонга солган нарса нима экан.

— Бир-икки кун чамаси ишдан келишим билан аёлим чап бикин томони оғриётганидан шикоят қилиб юрарди. Биз лоқайдлик билан тузалиб қолар деб, ўз билганимизча дори-дармон қилиб кўрдик.

дан колди. Буни шифокорлар ҳам тасдиқлашди.

— Яна операция 10-15 дақиқа кечикса, вақтдан ютказган бўлар эдик дейишди, — дея ҳуюясини тутгади сўхбатдошим, кўзига ғилтиллаб келган ёшини рўмончаси билан артиб.

— Ҳўш, ким экан ўша ҳалоскор йигитнинг номи?

— сўрайман ундан ётиги билан.

— Ҳамма гап шунда-да. Ўша кун мен ўзим билан овора бўлиб, уни қандай кетганини билмай қолибман. Балки бу воқеа газета саҳифасида ёритилса, ўша йигит бундан хабар топиб ўзи ҳақида бизга билдирармиди, деган мақсадда сизнинг олдингизга маслаҳат келдим-да.

Биз ҳам шундай қаттиқ. Мақолага «Қайдасан, ҳалоскор йигит?» деб сарлавха қўйишимизнинг ҳам боиси ана шундан.

## Куш уясида

### кўрганини қилади

Бирлик даҳасида истиқомат қиладиган Аҳмаджон деган қадридонимни йўқлаб ўйга бордим. Эшик кўнғирогини босишим билан 6-7 ёшлар чамасидаги болакай югургилаб олдимга келди. Сўровимга:

— Бобом йўқлар, адам ҳам ишдан келмадилар, — дея шахдам жавоб берди. Шу тоғда йўлакда пай-до бўлган ўрта ёшлардаги аёл — Аҳмаджоннинг келини мени таниб, бизга қўнғирлашди. Салом-алик қила туриб болага танбех берди.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Жинивой, нега унақа дейсан? Аданг уйдлар-ку, — кейин у менга қараб, — вой, ичкарига кириш ота, нега бегоналардек оstonада турибсиз. Болада-бола, адаси ишдан келганларини пайкамиз қолган шекилли.

Келин «Ҳозир ўртоғини ҳам келиб қоладилар», дея мени кўрада-қўймай ўйга бошлади. Айвонга киришимиз билан юмшук диванча ёнбошлаб ётган Маҳмаджон бизни кўриб, эринигина ўрнидан қўзгалди.

— Э, ота, бормисиз?  
Кўришдик. Утиришимиз билан телефон жиринглади. Боғчи болакай чаққон бориб гўшафон кўтар-да, бироз сукут сақлаб тургач, бийрон тил билан: «Адам уйда йўқлар, хали ишдан келмадилар», дея жавоб берди.

Маҳмаджон менга қараб жилмайди.

— Бизнинг химоячини кўрдиганимиз, ота. Биров сўраб келса ёки телефон қилса, мени уринтиришни хоҳламай уларга ўзича «Адам йўқлар», деб жавоб бериб юборадилар.

Аслида менга ҳам жавоб эшик тағида теккан экан-у фавқулодда ўйга кириб қолганимни шунда фаҳмладим. Шу ҳақда ўйлаб, ўзимдан кўзгалган эдим Маҳмаджон «Сиз ўринникисиз!» деб турғизгани қўймади.

Бироз сўхбатлашиб ўтирдик. Бу орада бир бор эшик кўнғирогини, яна бир марта телефон жиринглади. Уларнинг ҳаммасига болакай одатгаддек «Адам йўқлар» деган жавобни қилди. У сўнги бор «вазифасини удо этиб» эшик томондан қайтаётганда Маҳмаджон эдиан сўради:

— Ким экан?  
— Одил ака сизни сўради.

— Ие, нега чақирмадинг мени? Уни атайлаб ўзим уйга тақлиф қилган эдим-ку.

— Тунов кўнғирогини Юнус ака зарур ишим бор деганида ўйга бошлаб кирсам, кетганидан кейин «Нега адам йўқ демадинг» дея мени роса кулоқ кўзма қилдингизку. Яна шунақа бўлмасин дедим-да.

Маҳмаджон боласини уриша кетди.

— Болада нима аёли, — дедим уни юмшатмоқчи бўлиб. — Куш уясида кўрганини қилади деган мақоли эшитмаганмисан?

Маҳмаджон ўйланиб қолди. Мен эса уни ҳай-ҳайлашга қарамай хонадонни тарк этдим.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Ҳамза тумани ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан аёлларнинг сумка-харачини қўларидан олиб олиб жуфтани ростлаётган жиноятчи ушланди. Сурхондарё вилояти, Ҳўш туманининг «Ешлик» кўчасида яшовчи М.Х. исмли бу шахс «Янгиобод» бозорида ҳам ўз хўнарини кўрсатганиди. У, Самарқанд вилояти, Булунғур туманилик Р.Ра-сулованинг сумкасида 100.000 сўм пулини ўмариб кетди. Орадан бир икки кун ўтгач эса Наманган вилоятининг Янгиқўрган туманилик тадбиркор Р.Ибрагимованинг 20.000 сўм пулини ўғирлади. Эндиликда юзи шу-вўт бўлиб қолган бу кимсанинг тегишли жазо олиши тайин.

◆ Миробод туманининг Қўшбеги кўчаси-да яшовчи, аввал судланган, А.К. ва Юнусо-бод — 4-даҳасида истикомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ф.Н. исмли шахслар Чехов кўчасидаги 21-уйнинг йўлакларидан қўтарилиб, чордоқда жойлашган лифтининг тўхтатиш ғалтакларини ўғирлаб кетишган эди.

Ушбу жиноят изидан дарҳол кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ИИБ ходимлари уларни далилий ашёлар билан тўтиб келтиридилар. Қўлмиш-қидирмиш деганларидек энди талон-чи-лар қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

◆ Чилонзор тумани ҳудудида автоуло-ларнинг ойналарини синдириб, эшик қўл-ларини турли йўлар билан очиб кириб, ичи-даги вўюмларини ўмариб кетувчи қилмиш эгри шахсининг «фаолияти»га милиция ходимлари чек қўйдилар.

Фаргона вилоятининг Фаргона туманида истикомат қилувчи К.Р. исмли бу кимса ўзи-нинг навбатдаги «ўлжасини» Тўпқайрағоч кўчасида яшовчи, фуқаро В.Зохидова тегиш-ли «ВАЗ-2103» русумли автоуловдан олиш-ни олдиға мақсад қилиб қўйганди. Лекин у тумшугидан илиниб, боши деворга урилди.

◆ Сирғали тумани ички ишлар ходимла-ри фарибгарлар сирасига кирувчи, шу ту-манининг Спутник-6 мавзесида яшовчи Н.И.

исмли шахсининг кирдикорларини фош қил-дилар. Маълум бўлишча у Қўйлиқ-7 да исти-комат қиладиган А.Усмоновнинг ишончига кириб, «уй олишида» ёрдам бераман» деб алдаб, унинг 500.000 сўм пулини олиб, қай-тариб ҳам бермайдиган ваъдасининг усти-дан чиқшини ҳам ўйламай қочиб юрди. Қўн-ғир ишининг қийми кирк йилда ҳам чиқади деганларидек бутун бу кимса ўз қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирибди.

◆ Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари томонидан шўбха остига олиниб, текширу-вдан ўтказилган Т.Н. исмли кимсанинг ёнида 3,6 грамм героин гивёандлик моддаси бор-лиги аниқланди. Қонун бу каби жиноятларга қўл урган шахсларга нисбатан тегишли жа-зони қўйлади.

◆ Собир Раҳимов туманидаги Эркин кўча-сида яшовчи Ж.Е. исмли шахсни нима жин урди ўзи, хавлиға келган халтис режалари-ни бирин-кетин амалга ошира бошлади. У Бериуни кўчасидаги уйларнинг томларига ўрнатилган «ТВ Камалат» антенналарини ўмарини олдиға мақсад қилиб қўйганди. Шундай қилиб, БЗ-Блок «И» уйда яшовчи М.Эшматовга тегишли антеннани ўғирла-

ган жиноятчи, кейинги гал М.Гадаев ва М.Хусановларнинг ҳам айнан шу русумдаги антенналарини ўмариб кетди. Оқибатда ми-лиция ходимлари томонидан қўлга тушган ўғир йигитнинг боши эгилиб, қилмиши учун жавоб беришга тўғри келади.

◆ Акмал Икромов туманининг Чилонзор-24 мавзесидаги тор кўча бўйлаб бораётган шу туман фуқароси Бойназаров тўсатдан олдида пайдо бўлиб қолган икки нотаниш йигитнинг қўпол муомаласидан хайрон қол-ди. Улар ҳар хил ҳақоратомуз сўзлар билан уни кўрқитиб, сумкасидаги нарсаларини ҳамда пул беришини талаб қилдилар. Сўнгра, бирданнига чаққонлик қолган ташланиб чўн-та-гидан пуллари билан сумкани тортиб олиб қочиб кетдилар. Жабрануовчи милицияга ха-бар берганидан сўнг милиция ходимлари бу талончиларни қўлга олишга муваффақ бўли-лар. Энди ушбу қилмишларидан афсус-на-домат чекаётган Зангиота туманилик Б.К. билан Ф.К. қонун олдида жавоб берадилар.

**Самарқанд ХАЛИЛОВ,  
Тошкент шаҳар ИИБ Матбуот  
маркази нозир.**



# ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Республикамизда туризмни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилга қадар бўлган давлат дастури» тўғрисидаги 1999 йил 15 апрелдаги Фармони, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори шунлар жумласидандир.

Айниқса, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ўрта бўйин малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда пойтахтимизда туризм касб-хунар коллежининг ташкил этилиши бу соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Биз олдимизга қўйилган масала ва муаммоларни ижобий ҳал этишда чет эл инвестицияларини жалб этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу эса жаҳон халқро қизматлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Тошкент туризм касб-хунар коллежи Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда янги йўналиш асосида мутахассислар тайёрлаш ишларини бошлаб юборган. Бу дегани аниқ дастур асосида ўқувчилар бир неча мутахассисликка эга бўладилар. Жумладан, мехмонхона хўжалиги, ресторани иши ва сайёҳлик фирмаларида туристларга жаҳон андозаси даражасида хизмат кўрсата оладиган салоҳиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашдир.

Ўқиш 9-синф асосида бўлиб, уч йилни ўз ичига олади. Бунда икки йил ўқувчилар бўйича умумий касбий билимлар эгалланиб, учинчи йили танланган ихтисос бўйича чуқур билим оладилар. Бундай мутахассисларни тайёрлаш эса коллежининг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини, аниқ пайтда ўқувчилардан кучли салоҳият эгаси бўлишини, шунингдек, дарсликлар етарли бўлиб, кўпгина бошқа жиҳозларга эҳтиёж сезади.

Бу муаммоларни ижобий ҳал этишда Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти 150 минг дойч маркага тенг турли хил ўқув қуроллари ва жиҳозлари, жумладан замо-

навий компьютер қадоскоп, видеоқўз, нуска кўчириш аппарати, факс, мехмонхона ва ресторани жиҳозларини тақдим этди.

Шунингдек, турли ўқув адабиётлари, видеоасмалар, кўргазмалар суратлар ва бошқа техник воситалар билан ҳам вақтида таъминлаб турилиши ҳамкорлигимизнинг янада гуллаб-яшнашида ўз самараларини бермоқда.

Айни пайтда Германиянинг ҳамкорлик жамияти томонидан ўқувчиларимизнинг малакаларини ошириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, икки нафар устоз — мурраббийларимиз Бавария шаҳрида бир йил муддат давомида ўқиб, малакаларини ошириб қайтидилар. Шунингдек, уч нафар ўқувчиларимиз Магдебург, Берлин шаҳарларида тахсил олиб, ўн беш кунлик ва бир ойлик малака ошириб қайтидилар.

Коллежимизда ўқув жараёнини касбий маҳоратга йўналтириш юзасидан 3 та лаборатория, яъни ресторани, туризм ва мехмонхона лабораториялари ташкил этилиб, замонавий ўқув техник жиҳозлари билан тўла таъминланган. Талабаларимиз локал сет орқали шу лабораториялар билан боғлиқ бир-бирларига маълумот берадилар ва интернет тизими билан ҳам боғлиқ керак бўлган маълумотларни оладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирдан бизнинг талабаларимизга айрим корхоналар буюртмалар бермоқдалар. Чунки ўқувчиларимиз ҳар йили пойтахтимизда ўтказилаётган келинаётган Халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этиб, кўзага ташланиб қолганлар. Улар туризм бозорини ўрганишда, туристик маҳсулотларни сотишда тажриба орттириб, ўз амалиётларини ошириш йўлида тинимсиз изланмоқдалар.

Холматжон АХМЕДОВ,  
Тошкент туризм касб-хунар коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди.

# ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

Демократик давлатни қуришда ҳуқуқшуносларнинг ўрни алоҳидадир. Шу боис ҳам бундан қорак аср муқаддам ташкил этилган, ҳозирда ҳуқуқшунослар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшиб келаётган Тошкент юридик коллежида бугунги таълим ва тарбия кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олиб борилмоқда.

Ҳозирда ушбу билим даргоҳида бешта йўналиш бўйича талабаларга малакали педагоглар сабоқ бермоқда, соҳанинг сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда. Шунинг қувонарлики, Мустиқлик туйғули коллежимиз янги замонавий бинога эга бўлди ва ўқув хоналари барча керакли ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди. Коллежда ўқувчилар учун замонавий кутубхона, қулай спорт зали, шинам ошхона мавжуд.

Коллежда талабаларга билим бериш билан бирга уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Маънавият ва маърифат» хонаси эса доимо гавжум бўлади. Шунингдек,

«Ёш сийосатшунослар», «Ёш ҳуқуқшунослар», спорт тўғрақлари ҳам талабалар билимини оширишда, ҳам уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Билим масканида ўтказилаётган турли фанлар бўйича олимпиадалар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари эса биз ўғил-қизларни ҳар томонлама баркамол бўлишга ундамоқда.

Коллежда ташкил этилган компьютер саводхонлиги ва ҳайдовчилик курсларини тугатган талабаларга сертификат ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳам топширилаётганлиги ёшларга яратилаётган қулайликлардан саналади. Албатта, ҳуқуқшуносларни тайёрлашда ўз билим ва тажрибаларини аяматган устозларимиз Х.Муҳиддинова, М.Сатторова, М.Мирпўлатов, Д.Назарова, О.Ақромова, Т.Каримова ва бошқа педагогларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Барча шароитлар муҳайё бўлиб билим даргоҳида билим олаётган ёшлар, келгусида мустоҳид юртимиз равнақига муҳим ҳисса қўшишига, шубҳа йўқ.

Улуғбек МҲМИНОВ,  
коллеж талабаси.

## ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТИРАДИ

# Кўзиқориндан заҳарланманг

Аксарият баҳор ва куз фаслида пишиб етиладиган кўзиқоринларни кўпчилик севиб истеъмол қилади. Лекин уларнинг ичида заҳарлилари ҳам учраб туради. Ана шундай истеъмолга эҳтиёт кўзиқоринлар кишилар саломатлигига катта зарар келтиради.

Кўзиқориндан заҳарланиш аломатлари беморда яширин даврдан кейин юзага чиқади. Эътиборли томони шундаки, бу аломатлар тўсатдан пайдо бўлиб, тез зўрайди. Бирламчи клиник белгилар юзага чиқишида яширин давр давомидаги икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда 0,5-2 соат оралиғида белгилар намоев бўлса, иккинчи гуруҳда 8-24 соат ичида шундай аломатлар юзага келади.

Кўзиқоринлар билан заҳарланганда асосан ошқозон шиллик қаватини кўзатиш оқибатида бирданига кўнгли айниши, қайт қилиш ва ич кетиш билан бошланади. Бундай ҳолда беморлар ўта холисизлиб, қоринда каттик оқибот бошланиб, совуқ терга тушадилар. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилса, 2-3 кун оралиғида соғаядилар.

Кўсқа вақт оралиғида беморда ўта кучли сўлак ажралиши, терлаш, қайт қилиш, ич кетиши, кўз қорачиқларининг торайиши, нафас олиш қийинлашиб, ўпка ишиши кузатилади. Бу вақтда беморни даволаш 0,5-1 соат оралиғида олиб борилиши лозим.

Заҳарли кўзиқоринлар беморларда жигар, буйрак, юрак, мушак ва капиллярларни жароҳатлайди. Жигарда углевод, ёғ-оксил алмашинув издан чиқиб, гликоген синтези ва сфоро ажралиши бузилади.

Юкоридаги ҳолатлардан кейиб чиққан ҳолларда маълум бўлишича, кўзиқориннинг қалиб тури истеъмол қилинганга қараб заҳарланиш белгиси ва кейинги асоратлар (яъни токсик гепатит, жигар беморлиги, гепатоксик, нейротоксик, гематоксик) турлича бўлади экан.

Бу каби ҳолатлар намоев бўлганда, зудлик билан шифокор-мутахассисга мурожаат қилиб, бемор касалхонага ётқирилиши керак. Бундай ҳолларда беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳам мумкин. Беморнинг меъда ва ичаклари истеъмол содаси солинган илиқ сув ёки марганцовканинг нимта-тир эритмаси билан ювилади. Умуман, заҳарланган белгилари пайдо бўлган беморларни касалхонага қанчалик тез келтирилиши, унинг олди шунчалик тез олинади.

Профилактика ишларини амалга оширган ҳолда жойларда кўзиқориндан заҳарланиш оқибатларини тушунтириш ҳар бир тиббиёт ходимининг бурчидир. Шунинг таъкидлаб айтиш лозимки, ўз холича пала-партиш терилган кўзиқоринларни иложи борича истеъмол қилмаган маъқул.

Абдушохид ШОАБСАРОВ,  
шифокор.



# Саломатликнинг ёш дўстлари

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом ўсиши йўлида турли мусобақалар, кўрик-танловлар, қизиқарли беллашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Қуни кеча Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод тумани Кенгаши, туман Халқ таълими бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва Тошкент шаҳар ИИББ патруль хизмати билан ҳамкорликда ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» тадбири ҳам айнан мана шундай мусобақалар сирасига киради.

Мақтаб ўқувчиларига санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидалари ва ҳуқуқий онглари ошириш бўйича билимларга ўргатиш, фавқулодда ҳолатларда ўқувчиларнинг ўзини тутта билишлари ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам бериш, Қизил Хоч ва

Қизил Ярим Ой жамияти тарихи, фаолияти ҳамда халқаро инсонларварлик ҳуқуқларини ва билимларини ёшлар орасида тарғиб этиш мақсадини кўзлаб туғариш, фавқулодда ҳолатларда ўқувчиларнинг ўзини тутта билишлари ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам бериш, Қизил Хоч ва

## МУШОИРА

### «Онажоним шеърият»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Онажоним шеърият» ёш қаламкашлар тўғраидаги шеърият ихлосмандлари учун мушоира бўлиб ўтди.

Мушоирани Ўзбекистон

халқ ёзувчиси Мухаммад Али олиб борди. У ёш ижодкорларга шеъриятимиздаги ўзига хос йўналишлар ҳақида сўзлаб берди ҳамда ўз шеърларидан ёшларни баҳраманд этди.

Шунингдек, шеърият оқшомида ёш ижодкорлар ҳам ўзлари ёзган ижодий ишларидан ўқиб беришди.

Орзуғул РУСТАМОВА

## УДУМЛАРИМИЗ

# Болажонлар яйрашди

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 28-болалар богчасида миллий кадриятларимизни кичкинтойлар қалбига сингдириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Кичкинтойларнинг кўнгли беғубор бўлади, деб бежиз айтишмаган. Бугунги тадбирга мудариси Нодира Йўлдошева — Айни пайтда бу ерда 350 нафар болажонлар камол топишмоқда. Улар бир-бирлари билан ахил-ноқ, бир ота-она боласидек тарбияланишпоти.

Дилдора РИЗАЕВА

Шуни айтиб ўтиш зарурки, кичкинтойлар У. Аҳмедова, Д. Мусаева, Н. Каримова, М. Хўжаевалар каби тарбиячилар раҳбарлигида хонадонларимизда азалдан уялганлиб келинаётган мекон салом, алла айтиш, мекон кутиш каби аjoyиб урф-одатларимизни жуда ўрнига қўйиб ўрганишмоқда. Бугунги тадбирга йилгиланлар дўстлик, беғубор болалиқни, фасллар келинганга бўлиши баҳорини тантанаман этуви кўшиқ ва рақслардан баҳраманд бўлдилар.

ча ўзаро куч синашдилар.

— Барча умумтаълим мактабларининг 6-7 синфларида санитария постларининг ташкил этилиши ва улар фаолиятига баҳо берадиган мусобақаларнинг мунтазам ўтказилиши ўзининг яхши натижаларини бермоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод тумани кенгаши раиси Хамроҳон Отабоева. — Ўқувчиларнинг билим савияси йилдан йилга ошаётганини, мусобақа давомида фақат талабага интилишларини, пиш-пих-пихта жавобларини кўриб ёш авлод учун қилинаётган ғамхўрликнинг яхши медалари нишона бераётганидан кўнглинг кўтарилади. Ўйламанки ёшларимиз эртага албатта билимли, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, Ватанини ривожига ҳиссасини қўша оладиган инсонлар бўлиб вожага етадилар.

Қизиқарли беллашувнинг

шоҳиди бўлган ҳакамлар ҳайъати учун голибларни аниқлаш осон кечмади. Улар мусобақа давомидаги савол-жавобларни, йилгилан балларни ҳисобга олган ҳолда биринчи ўринга 105-мактаб ўқувчиларини лозим топдилар. Иккинчи ўринни 274-мактабнинг саломатликнинг ёш дўстлари эгаллаган бўлсалар, 259- ва 288-мактабларга учинчи ўрин насиб этди.

Деворий газеталар кўригида 105 ва 235 мактаблар голибларни қўлга киритди.

Биринчи ўринни эгаллаган мактаб шаҳар мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» туман мусобақасидан лавҳалар.

Сергей Любич ошган суратлар.



## СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

# Осиё ўйинларида тайёргарлик доирасида

Шаҳримиздаги МХСК стадионида икки кун давомида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон шахарлари Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Энг кучли энгил атлетикачиларимиз Малайзияда ўқув-машқ йилгиларини ўтказиш талаблари қарамасдан асосан олий ўқув юртиларининг талабалари бўлиб ёшлардан ташкил топган шахарлар терма жамоалари аъзолари кўплаб юқори натижаларни кўрсатишди.

Мусобақаларда Республикаимизнинг 19 шахри уч гуруҳга бўлинган ҳолда талаба учун кураш олиб борди. Шунингдек, олимпия ўринбосарлари коллежалари ҳам алоҳида баҳс юритишди.

Чирчиқлик Олег Жоголев 49 метру 38 сантиметр масофага босқон улқитиб Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди. Шунингдек, Осиё ўйинларида тайёргарлик кўраётган Замира Амирова (Тошкент) 200 ва 400 метрга юғриш баҳсларида голиб чиқиб, ўзининг аjoyиб спорт формасида эканлигини яна бир қарра исбот этди. Яна бир хамшаҳримиз Ольга Шучкина 15 метр 69 сантиметрга ядро улқитиб баҳрдан ўзиб кетган бўлса, узунликка сакрашда 6 метр 1 сантиметр натижа кўрсатган Светлана Клименкога тенг келадиганлар топилмади.

Олег Журавлев электрон секундомер бўйича 100 метр масофани 10,76 сония вақт ичида босиб ўтиб энг кучлилар сафини бошқарди.

Энгил атлетиканинг техник жиҳатдан мураккаб турларидан бири — 400 метрга тўсиқлар оша юғришда тошкентлик Светлана Копитова 1 дақиқа 02,96 сония натижа билан голиб чиқди.

Биринчи гуруҳда Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси 22139 очко тўплаб голиб чиққан бўлса, иккинчи гуруҳда Чирчиқ шаҳри, учинчи гуруҳда эса Шаҳрисабз шаҳри жамоалари барча рақибларидан устун келишди.

Олимпия заҳиралари коллежалари ўртасидаги мусобақаларда ҳам 20139 очко тўплаган шахримиз ўрта махсус ўқув юрти спортчилари голиб чиқшиди.

Чемпионатнинг барча голиб ва совриндорлари дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

# Кутлуғ сана муносиб нишонланади

Ўзбекистон футбол федерациясида республикамиз футболнинг 90 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик қилиш ва шу йилнинг 6-10 май кунлари шаҳримиздаги «Жар» стадионида Осиё 5 ва 6-саралаш гуруҳларидан ўрин олган 17 ва 20 ёшли футболчилардан ташкил топган терма жамоалар ўртасида Осиё Кубоғининг саралаш турнирини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дастлаб 20 ёшлилар ўртасида мамлакат терма жамоасининг бош мураббийси Виктор Борисов саралаш мусобақалари қўрилаётган тайёргарлик, ёш футболчиларнинг бугунги кундаги спорт ҳолати тўғрисида тўхталиб ўтди.

Сўнг федерациянинг маъсул ходими Ахбор Имомжўшев Ўзбекистон футболнинг 90 йиллигини нишонлашга қўрилаётган тайёргарлик тўғрисида ахборот берди.

Маълумки, ушбу кутлуғ тантана сентябрь ойининг биринчи ярмида Қўқон, иккинчи ярмида эса Тошкент шаҳрида нишонланади. Шу муносиб билан ташкил этилган футболнинг фахрийлари, мураббийлар ва журналистлардан ташкил этилган гуруҳ икчи-август ойларида республикамиз вилоятларида бўлиб, кўча музей экспонатларини намойиш этадилар, маҳаллий жамоалар ва фахрийлар ўртасидаги беллашувларни уюштирадилар, ишқибозлар билан учрашувлар ўтказадилар. Ўзбекистон футболнинг 90 йиллигига бағишлаб билимдонлар ўртасида танлов ўтказилиши ҳам эълон қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.